

## Меҳнатдан обрў топганлар

Адолатнинг Тошкент пиллакашлик фабрикасида ишлаётганига 5 йилдан ошиб қолди. Биргина унинг ўзи эмас, бу ерда опа-сингил меҳнат қилишади. Шуниси қизиқки, Адолат Муяссар билан ўзаро мусобақалашмоқда.

СУРАТДА: илғор ишчи Адолат Рўзиева.

•

Ҳар бир маҳсулот ишчининг моҳир қўлларидан ўтади. Чунки сифатни яна бир бор текшириб кўриш учун шундай қилинади. «Абразив комбинати» ишлаб чиқариш бирлашмасининг моҳир ишчиси Раит Сейтяевнинг қўлларидан ўн йилдан ортиқроқ вақт мобайнида қанчадан қанча ана шу маҳсулотлар ўтмаган дейсиз! Унинг рафиқаси Лена ҳам шу ерда ишлайди.

СУРАТДА: илғор ишчи Р. Сейтяев.

Т. Каримов суратлари.



**Шаҳар транспорт муаммолари**

# Кўчада ўтаётган умр

«Маршрут ижара пудратида ишламоқда». Эндиликда бу ёзув ҳеч бир ҳамшаҳаримизни таажжублантирмайди. Сабаби оддий: турмуш тарзимизга янгилик сифатида кириб келган бу истиқболли усул жорий этилиши биланоқ, кўплаб ғовларга учради. Ростини айтганда, ундан кўпчилик катта ўзгаришларни кутган эди. Айниқса, шаҳар автобус паркларининг ялпи ана шу усулга ўтиши аҳволни бир мунча ўнглашга хизмат қилади, деган фикрга боришган эди. Аслида эса аҳвол ҳамон ўзгармаяпти. Бу борада кейинги вақтда кўплаб танқидий эътирозлар билдирилмоқда. Йўловчилар автобус қатновини яхшилаш кечиктириб бўлмайдиган вазифаларнинг бири эканлигини қатъий талаб қилиб туриб олаётганликларига қарамай ҳар ким ўз билганича иш юритмоқда.

— Мен оддий бир йўловчи сифатида ижара пудратини шундай тушунаман, — дейди ТошДУ талабаси Ҳамид Саидов биз билан суҳбатда. — Ҳайдовчи автобусни маълум муддатга белгиланган шартномага мувофиқ ўзига ижарага олади. Унинг ёнилғисидан тортиб, ремонтигача сарфланадиган маблағ ҳайдовчининг зиммасида бўлади. Шундай экан, транспортга катта эҳтиёж сезилиб турган, хизмат кўрсатиш даражаси одамларни қаноатлантирмаётган автобусларни ҳайдовчининг қўлига тутқазиб қўйиш тўғримикин?

Ҳақ гап. Ижара пудрати шароитида ишлаётган автобуслар олдинги вақтдагидан кўра янги шароитда талабни тўла қондира оладими? Бундай саволларга шунчаки жўн жавоб бериш билан кифояланиб бўлмайди. Автобуслар хизмати қониқтирмаётгани туфайли юзлаб ҳамшаҳарларимиз шаҳримизнинг чет жойларида транспорт кутиб, соатлаб саргайиб туришибди. Бундай пайтларда уларга сира осон тутиб бўлмайди. Саратоннинг иссиғи-ю, ишдан толиқиб чиқишга қарамай соатлаб транспорт пойлашга метин ирода керак. Ахир ким орзу қилмайди уйига тинч, бехатар етиб олишни. Бизнингча, ҳайдовчиларнинг ўзлари ҳам бундай мақсаддан йироқ бўлмасалар керак. Шундай экан, ижара пудратини ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни кенгроқ ўйлаб кўриш зарурга ўхшайди.

Автобуслар қатнови яхшиланмаётганига, қатъий графиклар издан чиқаётганига мисоллар келтириш шарт эмас. Айниқса, шаҳарга оқшом чўка бошлаши биланоқ бекатларга келсангиз, транспорт кутаётган йўловчиларнинг кўплигини кўриб таажжубга тушасиз. Бундай пайтда ҳайдовчилар ўз автобусларининг «жилови»ни бошқа маршрутларга буриб юборган бўладилар. Соатлаб автобус кутган йўловчининг бу ҳолдан кўнгли дарз кетиши шубҳасиз. Аммо ҳайдовчилар ҳам сира бўш келмайдилар. Оддий тартибни талаб қилган йўловчилар билан бараварига гап талашадилар.

— Яқингача автобусларда бошқача аҳвол ҳукм сурарди, — дейди қурувчи Ортиқ Оллоёров. — Ҳеч кимнинг биров билан иши бўлмасди. Қизиқ, ўртага пул муомаласи аралашгандан кейин бўлар бўлмас тортишувлар, баҳслар яна кўпайиб қолди. Ахир ижара пудрати жанжалнинг уяси эмас-ку! Қачонгача биз бир-биримизга шундай муносабатда бўламиз, асабларимизни қайраймиз. Ҳамма эшикларнинг ланг очилишини кутишнинг ўзиёқ, яхши ҳодиса эмас. Мақсад йўловчиларга намунали хизмат кўрсатиш бўлганидан кейин автобус ҳайдовчилари ўз ваъдаларининг устидан чиқсинлар-да.

Аччиқ, аммо очиқ бу гапга қўшилмай бўлмайди. Ахир мавжуд муаммоларга барҳам беришни комплекс тарзда олиб боришга ғайрат билан киришиладиган вақт етди-ку! Ҳозирги қарор топган усул — ижара пудратига ўтилаётганда ҳайдовчиларнинг шашти бошқача эди. Оддийгина мисол: ҳатто ҳар бир бекатларда унинг номлари эълон қилиниб борилар, йўловчиларга зарур қўлланма ва тавсиялар бериб туриларди. Энди эса яна аҳвол олдингидай «жиддийлашиб» бормоқда. Назаримда ғайрат билан бошлаган ишларини автотранспортчилар охирига етказишнинг уддасидан чиқолмаётганга ўхшайдилар. Нега? «Ташгорпасстранс» бошқармаси мутасадди раҳбарларидан бу саволларга жавоб талаб қилишдан кимларга хизмат кўрсатаётганликларини яна бир бор эслатиб қўйишни истардик. Негаки, автобус транспорти жамоатчилик мулки. Шундай экан ундан ҳамма йўловчининг кўнгли тўлсин. Ҳеч ким бекатда вақт ўтказиб «Эссиз, ўтаётган умрим» деб қўл силтамасин.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.

**Партия турмуши:** *олдинда бориш масъулияти*

# Унга эргашишади

Қисқагина амалий машғулотлар давомида асосий иш кўлами билан таниш бўлгани учунми Софияхоннинг қўли ҳам анча иш ўрганиб қолган эди. Машиналар-ку, ўша институт аудиторияларида кенг таҳлил қилиб ўрганган ускуналар. «Тили»ни топиб йўлини қилса иши изга тушиб кетиши ҳеч гапмас. Аммо одамлар-чи, коллектив-чи?! Улар билан тил топишиб кета олармиканман, улар мени тушунармикан?

Хаёлида чарх уриб айланаётган бу саволлар комбинат остонасига қадам қўйиши билан оз бўлсада тарқагандек бўлди. Ёш мутахассисни коллектив илиқ кутиб олди. Кўп йиллардан буён меҳнат фаолиятини севган касбига бағишлаб келаётган Нина Ивановна Табибулина уни шогирдликка олди.

Софияхоннинг ишига нисбатан талабчан ва масъулиятлилиги, меҳнатсеварлиги вақт ўтган сайин устозини тобора яқинлаштириб борди. Ишдан кейин қолиб бўлса ҳам ҳаракат қилар, технологияси бузилган машинани синчковлик билан ўрганиб чиқишдан сира эринмасди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг технологик жараёни билан мунтазам танишиб, сифатини ҳам эътибордан четда қолдирмасди. Орадан кўп ўтмай тинимсиз меҳнат ўз самарасини кўрсатди. Моҳир инженер-технолог Софияхон Обидовага «Ташхлодокомбинат» лаборатория мудирлиги вазифасини ишониб топширишди.

Корхонанинг муҳри босилиб чиқаётган маҳсулотда маълумки, лабораториянинг роли катта. Лаборатория ишининг яхши натижаси коллектив меҳнатида намоён бўлади. Бу нарсани энг аввало ўзида чуқур ҳис қилган Софияхон ҳар бир лаборатория таҳлилини бевосита ўзи назорат қилар, бирор ижобий натижа бермагунча тиниб-тинчимас эди. Орадан 3 йил ўтар-ўтмай Софияхон Обидовани музқаймоқ ишлаб чиқариш цехига бошлиқ қилиб тайинлашди. Одамшавандалиги ва бир сўзлилиги билан бу коллективда ҳам ҳурмат қозона бошлади. Кўпчилиги хотин-қизлар эмасми, катталарига сингил, кичикларига опа бўлиб астойдил иш олиб борарди. Айниқса, машиналар ёнида соатлаб иш ўрганиб, меҳнатининг мевасини ўзгаларда кўрар экан, устоз бўлиш нақадар қувонч бағишлашини ич-ичидан ҳис қиларди. Ишдан сўнг қизлар билан бафуржа суҳбатлашиб, ўзига юклатилган жамоат топшириқларини бемалол бажаришга улгурарди. Касаба союз ишларини фаол бажариб келаётган қизни комбинат аҳли корхона касаба союз комитетига раис этиб сайладилар. Цех коммунистлари эса унинг номзодини КПСС аъзолигига муносиб деб топишди. Нина Табибулина, Нуритдин Муҳитдинов, Асадулла Тўлаганов сингари фаол коммунистларнинг тавсиясига биноан С. Обидова КПСС сафига қабул қилинди. Энди ёш коммунистнинг зиммасидаги масъулият юки яна бир поғонага ошган эди. Цехда ишлаб чиқариш плани, корхонада хотин-қизлар комитетининг масъули сал ўтмай «Ташхлодокомбинат» партия комитетининг секретари. Унинг устига оила юмушлари, фарзандлар тарбияси. Бир киши учун шунча вазифани уддасидан чиқиш оғирлик қилмасмикан?

— Бунинг учун одамда аввало қилинаётган ишга қизиқиш бўлиши керак, — дейди Софияхон Расуловна. — Шунингдек, масъулият ҳам. Ана шу фазилатга эга киши албатта иложини топиши мумкин. 30 йилдирки, шу касбимга қизиқиб, уни қадрлаб келаман. Мен учун мана шу ишдан ардоқлиси йўқдек туюлади. Жамоат топшириқларига келсам, ҳа, қийин. Айниқса, оилавий аёллар учун. Бу жиҳатдан турмуш ўртоғим катта ёрдам берадилар, қўллаб-қувватлайдилар. Шу боис бўлса керак, ҳар қандай ишни уддалаб, фарзандларимни вояга етказиш у даражада оғир бўлди деёлмайман. Дарвоқе, ҳар қандай аёл учун касби ва оилавий тотувлигидан ортиқ бахт бормикан?!

Ҳа, Софияхон Обидова ўз ишидан чинакам бахт топган фидойи инсон. Том маънода бахтиёр аёл, талабчан коммунист. У эндиликда ўзи раҳбарлик қилаётган музқаймоқ ишлаб чиқариш цехида ўнлаб ёшларга касби сирларини ҳам ўргатади. Комбинат меҳнат коллективи кенгашининг аъзоси сифатида ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал этишга ҳисса қўшади. Хуллас, мазкур коллективда Софияхон Расуловна деб ном олган заҳматкаш коммунист билан фахрланиб, унинг ортидан эргашувчилар кўплаб топилади.

Ф. ҲУСАНОВА.

# ХУШХАБАРЛАР

Қорақалпоғистон савдо тармоқларига тут мураббоси чиқарилди. Уни татиб кўрган кишилар жуда мамнун бўлишди: мураббо уйда тайёрланганидан қолишмасди. Бундай маҳсулот чиқаришни Тўрткўл консервачилари ўзлаштиришди. Ўрик компоти, консерваланган укроп ва ток барглари каби бошқа янги маҳсулотлар ҳам тайёрланди. Тўрткўл заводида йил охиригача жами бир ярим миллионга яқин шартли банка консерва тайёрланади. Уларни сотишдан тушган маблағнинг бир қисми янги ускуналар сотиб олишга, шунингдек корхонанинг бутун йил давомида ишлашини таъминлай оладиган мева омбори қуришга сарфланади.

* * *

Сирдарёдаги Ульянов номли совхоз механизаторлари комбайнлардан тракторларга ўтиб ишлай бошладилар. Арпаси йиғиштириб олинган майдонга энди рапс экилади ва у фақат бир марта каллаклаб ўриб олинади. Шундан кейин арпанинг илдиз системаси билан рапснинг ўзаги устидан ер ҳайдалади ва улар монокультурадан чарчаган ер учун ўзига хос шифобахш гиёҳ вазифасини ўтайди. Бир йилдан кейин ер яна пахта ёки ҳар қандай бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил беришга қодир бўлади.

* * *

Пастдарғом районидаги «Партия XXII съезди» колхози меҳнаткашлари барча социал-маданий-маиший объектларни бундан буён ўз кучлари билан қуришга қарор қилишди. Тажрибадан маълум бўлишича, улар четдан чақириладиган ва на иш суръатини, на сифатини таъминлай оладиган қурувчиларга ҳар йили 120 минг сўмдан кўпроқ пул тўлагандан кўра, хўжаликнинг ўзида бир нечта доимий бригада ташкил қилиш фойдалироқ бўлишини ҳисоблаб чиқишди. Ҳозирнинг ўзидаёқ колхоз қурувчилари 600 ўринли иккита мактаб, болалар боғчаси ва водопровод тармоғини қуришга киришдилар. Ҳамма объектларни ёз охирига бориб тугатиш режалаштирилаяпти.

* * *

Бухородаги «Ғаллаосиё» совхоз-заводининг янги маҳсулотини талашиб-тортишиб олишаяпти. Бу ерда ток баргларини консервалаб чиқаришни ўзлаштиришди, шундай консервалардан кунига юз банкадан кўпроғини тайёрлашаяпти. Бу кўп эмас, лекин ахир ишлар ҳозирча асосан қўлда бажарилаяпти-да. Янги ускуналар ўрнатилганидан кейин линия қувватлари ошади.

* * *

Марҳамат районидаги Свердлов номли колхозда экинзорнинг ёнгинасида консервалаш цехи қурилди. Бу хўжаликда сабзавот ва меваларнинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик имконини берди. Сабзавот, мевалар эгатлар ва боғлардан узиб олиниши биланоқ қайта ишланаяпти. Хўжалик усулида қурилган цех бошқа корхоналарда ишга яроқсиз деб топилган қурилмалар билан эмас, янги ускуналар билан жиҳозланган. Унинг қувватлари ҳар йили бир миллион шартли банкагача маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради. Цех хўжалик аҳлидан деярли йигирма нафарини доимий иш билан таъминлади.

* * *

Тўрткўлда маҳаллий нон заводи учта фирма савдо дўконини очди. Аҳоли бундан буён «Иссиқ нон» магазинларидан ҳовури кўтарилиб турган нон ва булкаларни сотиб олишлари мумкин.

(УзТАГ).

**Луқма**

## Давоси 25 сўм экан

**31 май куни тўсатдан уйимизга сув келмай қолди. Канализация шохобчасининг бузилган қисмини тузатишга буюртма бергани шаҳар водопровод тармоқлари бошқармасига бордим. Бош инженерга бўлган воқеани батафсил тушунтирдим. Ўша вақтнинг ўзидаёқ у телефон орқали диспетчерга менга ёрдам бериш тўғрисида кўрсатма берди. Мени тушунадиган одамларнинг ҳам борлигидан қувониб уйга қайтдим.**

**Афсуски, бекорга ҳовлиққан эканман. Ўша кундан бошлаб мен бормаган, телефон қоқмаган киши қолмади. Ҳали у ремонтчи келади, ҳали бу ремонтчи келади. У ер бу ерни кўрган бўладида, ҳеч қандай ишга қўл урмай жўнаб қолади. Рости бу аҳвол иззат нафсимга тегди. Ахир ҳисоблаб чиқсам уйимизга бошқармадан 15 киши келиб кетибди. Бекорга ўтган вақтдан хуноби ошиб, анчагача нима қилишимни билмай юрдим. Ниҳоят, жонимга кооператив ремонтчилар оро киришди. Бир кунда 25 сўмга канализацияни ремонт қилиб беришди. Энди уйимизда ичимлик суви бор. Бундан нолимоқчи эмасман. Фақат менга ҳали ҳам турли идора ва ташкилотларнинг бюрократлардан халос бўлмаётгани алам қилади.**

**Ҳабибулла АЛИМОВ,**
**Улуғ Ватан уруши қатнашчиси ва меҳнат ветерани. Собир Раҳимов район, Спутник кўчаси, 3-уй.**

**Шарҳчи сатрлари**

# Польшадаги сайлов якунлари ва сабоқлари

ПОЛЬШАДАГИ янги парламентнинг икки палатаси составини узил-кесил аниқлаш учун икки қур овоз беришга тўғри келди. Сайловчилар 4 ва 18 июнь кунлари овоз бериб, сеймнинг 460 депутати ва 100 сенаторга, яъни янгидан тузилган юқори палатанинг аъзоларига (бу палата қонуншунослик жараёнида муҳим ўрин тутади) ислоҳотлар ва демократиялаш жараёнини давом эттиришни ишониб топширдилар.

Бу йил Польшадаги парламент сайлови алоҳида аҳамият касб этди. Сайлов анча демократик негизда ўтказилди, неча ўн йиллардан кейин биринчи марта сайловда амалий оппозиция рўй-рост иштирок этди, оппозиция асосан «Бирдамлик» («Солидарность») касаба союзининг мўътадил қанотини бирлаштириб турган сиёсий кучлардан иборат. Касаба союзнинг ўзи сайловда бевосита иштирок этмади. Номзодларни кўрсатиш ва сайлов кампаниясини ўтказишдан иборат барча ишни «Бирдамлик» гражданлик комитети, кўпгина машҳур олимлар, илм-фан арбоблари, руҳонийлар доиралари билан алоқадор бўлган кишиларни бирлаштирган воевода ва регионал граждан комитетлари адо этишди.

Сайлов ҳукумат коалицияси, касаба союзлар ва амалий оппозиция вакиллари иштирокида «давра столи» атрофида музокаралар чоғида илгари ишлаб чиқилган принциплар негизида ўтказилди. Ушбу принциплар Польшадаги замонавий воқеликни ўзида акс эттирган муросага таянади. Шунга мувофиқ, сеймдаги ўринларнинг 65 фоизи ҳукумат коалицияси қатнашчиларига яъни Польша Бирлашган ишчи партияси, Бирлашган деҳқонлар партияси, демократик партия, шунингдек уларни қўллаб-қувватлаётган замонавий католиклар ташкилотларига ажратилди. Сеймдаги ўринларнинг 35 фоизи эса партиясиз номзодлар, яъни оппозицияга ҳам, жумладан ошкора ишлаётган касаба союз сифатида рўйхатга олинган «Бирдамлик» билан алоқадор бўлган кишиларга мўлжалланди. Сенат ҳақида гапирадиган бўлсак, бу хусусда бирон-бир чеклаш ёки ўринларни олдиндан тақсимлаб қўйиш назарда тутилмади: буёғини фақат сайловчиларнинг ўзи ҳал қилишлари лозим эди. Ана шу қоидаларнинг барчаси ПХР сейми қабул қилган сейм ва сенатга сайлов тўғрисидаги янги низомларда қайд этиб қўйилди.

Оппозиция, аввало «Бирдамлик», аҳолининг иқтисодий аҳвол ёмонлашаётгани, нарх-наво кескин кўтарилаётгани, кундалик тирикчилик машаққатларидан тобора норози бўлаётганини ҳисобга олиб, сайлов кампанияси мобайнида аввалги ҳукуматларни танқид қилаверди. Оппозиция «ҳозир сиз танлаб олишингиз мумкин — «Бирдамлик»ни танланг!» деган шиорни олға суриб сайловчилар диққат-эътиборини ислоҳотлар жараёнига бош бўлишга қодир бўлган янги кучлар сиёсий ҳаётга кириши лозимлигига қаратди. «Бирдамлик» сайлов кампаниясини уқув билан, ишнинг кўзини билиб ўтказди. Барча ташвиқот воситаларидан фойдаланди, «Бирдамлик»нинг Ғарб мамлакатларидаги дўстлари ҳам ташвиқотнинг моддий базасини яратишда ёрдам бердилар. Варшава кўчаларида «Бирдамлик»нинг шиорлари ва варақалари шу қадар кўпайиб кетдики, одамнинг кўзи қамашиб кетар эди. Плакатларга номзодларнинг фотосуратлари ёпиштирилган, улар билан ёнма-ён эса жилмайиб турган Лех Валенсанинг сурати албатта бор эди.

«Бирдамлик» қўллаб-қувватлаётган номзодларни шу ташкилот ташвиқотчилари «Валенса гурунги» деб аташди, бу ўринда Нобель, тинчлик мукофоти лауреати унвонига сазовор бўлган Валенсанинг жамоат ўртасидаги катта обрўсидан фойдаланилди, албатта. Айни вақтда кучларни бир ерга жамлаш учун «бир ўринга — бир номзод» принципига қатъий риоя этилди, ҳукумат коалицияси кампанияси чоғида эса бир депутатлик ўрнига бир неча номзод кўрсатилганини айтиб ўтиш жоиз бўлади. Бу баъзан сайловчиларни чалғитди, холос. Коалиция «Бирдамлик»нинг фаоллигига етарлича баҳо бермади. Бу эса коалициянинг сайлов кампаниясини уюштиришида муайян нуқсонларга олиб келди. Биринчи турдан кейиноқ аслида сайлов натижалари аён кўриниб қолди. «Бирдамлик» граждан комитетининг номзодлари катта муваффақиятга эришдилар, улар партиясизлар учун ажратилган сеймдаги 161 ўриндан 160 тасини, сенатдаги 100 ўриндан 92 тасини эгалладилар. Коалициянинг аксарият номзодлари биринчи турда 50 фоиздан кўпроқ овоз ололмадилар ва курашни иккинчи турга кўчиришга тўғри келди. Овоз бериш айрим шахсларга қарши ва бошқа шахсларни қўллаб-қувватлаш учун бўлмади. Сайлов илгариги ва янги сиёсат масаласи хусусида плебисцит тусини олди, айни вақтда халқ ҳокимиятининг 45 йили мобайнида қилинган хатолар ва нуқсонларнинг оғир юки сайловчилар назарида ҳукумат коалицияси зиммасига тушди. Нарх-навонинг ортиб бораётганлиги, навбат кутишлар ва тақчилликлар, тирикчилик ёмонлашгани сабабли азоб чекаётган аҳоли коалициянинг жуда яхши шиорлари ва программаларини ҳам «ҳазм» қила олмади.

«Ана шундай шароитда Ғарбда ҳам ҳокимият тепасида турган бирор партия сайлов чоғида муваффақиятга умид боғлаши мумкин эмас эди», — деди менга Лондонда чиқадиган «Таймс» газетасида ишлайдиган таниш журналист. Биринчи тур сайлов вақтида 10 миллион сайловчи, яъни жами сайловчиларнинг қарийб 38 фоизи сайлов участкаларига умуман келмаганлиги ҳам буни тасдиқлаб турибди. Демак сайловчилар коалиция ваъдаларига ҳам, оппозиция ваъдаларига ҳам ишонмадилар ва лоқайд қарадилар. Иккинчи тур вақтида сайловчиларнинг фаоллиги яна сусайди. Овоз беришда иштирок этганларнинг учдан икки қисми «Бирдамлик» номзодларини қўллаб-қувватлашди.

Бу кишилар ҳукумат коалицияси номзодларига қарши овоз бердилар, десак тўғрироқ бўлур эди. Бу тенденция сейм депутатлигига номзодларнинг Умумпольша рўйхати бўйича овоз беришда ҳам аниқ-равшан кўринди. Мазкур рўйхатга ПБИП, Бирлашган деҳқонлар партияси, демократик партия ва уларни қўллаб-қувватлаётган замонавий католиклар ташкилотларининг бутун мамлакатда машҳур бўлган 35 раҳбари киритилган эди. Гарчи бутун рўйхат учун 8 миллион нафардан кўпроқ поляк овоз берган бўлса ҳам, аммо рўйхатдаги 33 киши сеймга сайланиш учун зарур бўлган 50 фоиз овозни ололмади. Ана шу 33 киши орасида ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолари М. Раковский, Ю. Чирек, С. Чосек, Ч. Кишчак сингари ҳукумат коалициясининг номзодлари бор. Улар ислоҳотлар жараёни ва «давра столи» учрашувлари ўтказишнинг тарафдорлари ва ташаббускорларидир. Кўпчилик овоз берган кишилар айрим номзодларни танлаб ўтирмай, бутун бюллетенни ўчириб ташлайвердилар, устига-устак, рўйхатда танлаб олиш учун бўлак номзодлар йўқ эди ва иккинчи турда қайта овоз бериш назарда тутилмаган эди.

ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР Министрлар Совети раиси М. Раковский Вроцлав шаҳрида партия активлари билан бўлган учрашув чоғида сайлов натижаларини дастлабки тарзда таҳлил қилар экан, сиёсий «чархи фалак» забт билан ўнг томонга бурилиб кетганини таъкидлади. Бошқарув методларидаги янглишишлар, тирикчиликдан норозилик, ҳокимият ўзи берган ваъдаларнинг кўпини бажармаганлиги оқибатида одамларнинг ҳафсаласи пир бўлганлиги жамоатчиликнинг ана шундай ғазабини қўзғади. Шу важдан поляклар коалицияга бир томонлама баҳо бердилар ва оппозиция орзу-умидларни рўёбга чиқаради, деб кўз тутмоқдалар. М. Раковский партия аъзолари сиёсий курашни эсларидан чиқариб қўйдилар, кўп йиллар мобайнида якка ўзлари бошқарганликлари сабабли улар эрка-инжиқ бўлиб қолдилар, деб тан олди. ПБИП сира тап тортмай, ўзини-ўзи танқид руҳида тегишли хулосалар чиқариб олишга азму қарор қилган, деб сўзини давом эттирди М. Раковский. Бу яна шунинг учун ҳам зарурки, коалиция сафларида, ПБИПнинг ўзида ҳам лоқайдлик, бепарволик, ишимизнинг имкониятларига ишонмаслик аломатлари пайдо бўлди. Аммо шундай партия аъзолари ҳам борки, улар янги вазият билан мардона юзма-юз келишга, курашдан воз кечмасликка шай бўлиб турибдилар, чунки партиямизнинг ана шу аъзолари нималарни ҳимоя қилишимиз ва нима учун курашишимиз лозимлигини тушуниб турибдилар. ПБИП ўтказаётган сиёсат халқнинг демократик, куч-қудратли ва социалистик Польша давлатида яшашга интилаётганлигига мувофиқдир.

ПБИП Марказий Комитетининг яқинда бўладиган пленуми сайлов якунларини таҳлил этишга ва ПБИПнинг келажакдаги вазифаларига бағишланади. Бирлашган деҳқонлар партияси ва коалициядаги бошқа шериклар ҳам стратегия ва тактикага жиддий тарзда қайтадан баҳо бериш ниятидадирлар.

Сайлов мамлакатни аввалги методлар билан бошқариб бўлмаслигини кўрсатди, айни вақтда мамлакат аҳолиси «давра столи» атрофидаги музокаралардан кейин бошланган миллий тотувлик жараёнини давом эттиришни маъқуллади. Теран иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни қўллаб-қувватлади. Парламентда коалиция билан оппозиция ўртасидаги кучлар нисбати (сеймда бу нисбат 35:65 га баробар, сенатда эса оппозиция аслида барча 100 ўринни эгаллаб турибди) шундайки, туб масалаларни ҳал этиш учун тараққиёт ва ислоҳотлар тарафдорлари, «давра столи»нинг барча қатнашчилари ҳамкорлик қилишлари керак. Бусиз қонуншунослик фаолиятининг ўзи ҳам рўёбга чиқмайди. Шу боисдан ҳам ПБИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, ПХР Давлат кенгашининг Раиси В. Ярузельский иқтисодий ислоҳотлар, демократияни кенгайтириш, давлатни мустаҳкамлаш, Польшани ривожлантириш манфаатларини ўйлаб, ижтимоий ташаббуслар мажмуасини ўртага қўйди — сайловдан кейинги кенг коалицияни бунёд этиш ғоясини илгари сурди.

Ҳўш, буёғи нима бўлади? Ҳозирча бир нарса равшан. ПХР Давлат кенгаши бир ой ичида сейм маршалини сайлаш учун сеймнинг биринчи мажлисини чақириши керак, шундан кейин маршал сейми ПХРнинг миллат мажлисини, яъни сейм ва сенатнинг қўшма мажлисини чақиради. Мазкур миллат мажлисида кенг ваколатларга эга бўлган ПХР президенти сайланади. Худди ўша президент ҳукуматнинг янги бошлиғи номзодини тақдим этиши керак. Чунки ҳукуматнинг ҳозирги бошлиғи парламентнинг биринчи мажлисида ўз зиммасидан ваколатларни соқит қилади. Булар мамлакатнинг келажаги учун ғоят муҳим бўлган масалалардир. Буларни самарали ҳал этиш кўп жиҳатдан оппозициядаги кучларнинг масъулияти ва ақл-идрокига боғлиқдир. Чунки ПБИП ва иттифоқчи партиялар Польшанинг олий манфаатларини ўйлаб, «давра столи» атрофида эришилган барча қадриятларни амалга оширишга азму қарор қилганликларини очиқ-ойдин айтдилар.

**Валентин ВОЛКОВ,**
**ТАСС мухбири.**
**Варшава.**

# Шу ҳафтанинг охиригача

● 5 июлда Женева шаҳрида Иқтисодий ва социал кенгаш (ЭКОСОС)нинг иккинчи доимий сессияси иш бошлайди. 6 июлда Испаниянинг Витория шаҳрида ядровий қуролсизланиш бўйича Европа конференцияси очилади. 7 июль куни Бухарестда Варшава Шартномаси Ташкилотида қатнашувчи мамлакатлар Ҳарбий консультация комитетининг навбатдаги мажлиси бўлади. Ўша куни АҚШ давлат секретарининг Африка ишлари бўйича ёрдамчиси Герман Коэн Луандага сафар қилади. 8 июль куни Буэнос-Айресда ҳокимиятни топшириш маросими бўлиб ўтади. Рауль Альфонсин ўзидан президентлик лавозимини соқит қилади ва янги сайланган президент Карлос Менемга топширади. 9 июль куни уч кунлик сафар билан АҚШ президенти Жорж Буш Польшага келади. Сафар давомида у Гданьск шаҳрида ҳам бўлади. Ўша куни Филиппин президенти Корасон Акино расмий визит билан Германия Федератив Республикасига келади.



ХИТОЙ. Пекинда ҳаёт аста-секин изига тушиб бораяпти. Магазинлар ва сабзавот дўконлари яна очилди. Жамоат транспорти, мамлакатнинг бошқа районлари билан боғловчи ҳаво ва темир йўл транспорти ҳаракати умуман қайта тикланди. Озиқ-овқатларни ва кундалик эҳтиёж молларини ташиб келтириш таъминланмоқда.

СУРАТДА: газеталарнинг янги сонини кутиб навбатда турганлар.

АП—ТАСС телесурати.

